

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

БАСТАМКУЛОВА ХАНИФА ДАВРОНОВНА

КОМПЛЕКС ИПАК ИПЛАРИНИ ТАРКИБИНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА
УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИГА БУРАМЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ
МУНДАРИЖАСИ

ОГЛАВЛЕНИЕ АВТОРЕФЕРАТА ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

COTENTS OF DISSERTATION ABSTRACT OF DOCTOR OF PHILOSOPHY (PHD)
on technical science

Бастамкулова Ханифа Давроновна

Комплекс ипак ипларини таркибини ўзига хослиги
ва уларнинг хусусиятларига бурамларнинг таъсири..... 3

Бастамкулова Ханифа Давроновна

Особенности структуры шелковых комплексных нитей
и влияние крутки на их свойства.....23

Bastamkulova Khanifa Davronovna

Peculiarities of the structure of silk somplex threads
and the influence of twisting on their properties..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

БАСТАМКУЛОВА ХАНИФА ДАВРОНОВНА

КОМПЛЕКС ИПАК ИПЛАРИНИ ТАРКИБИНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА
УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИГА БУРАМЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т930 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедов Жаҳонгир Адхамович
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Қобулова Нилуфар Жалиловна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон табиий тоғлар илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даража бериш комиссияси DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “29_07” соат 09-00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил:100100, Тошкент, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+9987) 253-06-06; факс: (+9987) 253-36-17; titlp info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин. (77-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Яққасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел: (+9987) 253-08-08.

Диссертация автореферат 2020 йил “ 25 “ июль куни тарқатилди.
(2020 йил “ 25 “ июлдаги 77 -рақамли реестр баённомаси).



[Signature]

Б.О.Онорбоев
Илмий даражалар бериш илмий кенгаши раиси, т.ф.д., профессор

[Signature]

А.Э.Гуламов
Илмий даражалар бериш илмий кенгаши илмий котиби, т.ф.д., профессор

[Signature]

Ш.Ш.Ҳақимов
Илмий даражалар бериш илмий кенгаши қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё бўйича тўқимачилик хомашёсини янги технология ва усулларини қўллаш, мавжудларини эса такомиллаштириш асосида тайёр маҳсулотларни сифат кўрсаткичларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Деярли ўттиздан ортиқ мамлакатларда ипак курти пилласи етиштирилади, хом ипак ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми эса 130 минг тоннадан зиёдроқ. Унинг 70%и Хитой ва 17%и Ҳиндистон давлатларига тўғри келади. Ўзбекистон ҳам пилла ва хом ипак ишлаб чиқарувчи мамлакатлари бешлигига киради.

Табиий ипак ўзининг мустаҳкамлик, гигиеник характеристикалари бўйича табиий толалар орасида энг юқори кўрсаткичларга эга, шунинг учун улардан ишлаб чиқарилган буюмлар халқаро бозорда юқори талабга эга. Бироқ, унинг дунё бўйича тўқимачилик хом ашё балансидаги улуши 0,2% дан ошмайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиш ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, рақобатбардошлик қонуниятларига бардош бера олмай тўқимачилик корхоналари инқирозга учради. Собиқ иттифоқдаги энг катта ва мамлакатимиздаги ягона Марғилон ипак комбинати ҳам инқирозга учраб, ўз иш фаолиятини тўхтатди, натижада ипакчилик соҳаси умуман оғир аҳволга дучор бўлди. Ҳозирги давргача мумтоз-креп матолари деярли чиқарилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли фармонида миллий иқтисодиётни самарадорлигини ошириш, тубдан янги технология ва маҳсулотларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларни ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш зарурлиги вазифа қилиб қўйилган. Бундай муҳим фармонни бажариш йўлида Президентимизни бир қатор қарорлари чиқарилди, жумладан, ипакчиликни ва табиий ипакни қайта ишлашни кенг қўламда ривожлантиришга қаратилган. Шу асосида “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилди, ипак куртини боқиб, пилла етиштиришни тўрт такрорий мавсумда ташкил этишга ўтилмоқда, тутчиликни ривожлантиришга, уруғчилик селекция ишларини яхшилашга катта аҳамият берилди бошланди, хом ипак ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ўсиб бормоқда, тайёр маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш учун эса, хомашё тайёрлашни илмий асосланган янги усул ва технологияларини яратиш зарур.

Мазкур илмий тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сонли, 2018 йил 4 декабрдаги “Республикада ипак саноатини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4047-сонли қарорларда қўйилган вазифаларни, шунингдек мазкур соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги масалаларни ечишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эшиш назарияси, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияларининг назарий ва амалий асосларини ривожлантириш усуллари бўйича кенг тадқиқотлар чет эл олимлари бўлган J.Hearl, J.Thwaites, J.Amirbayat, P.Kiekens, G.Savvas, G.Cochy, S.Pan, H.Chen, J.Мо ва бошқалар ишларида ўтказилган.

Структуравий ва нанобўлакчалар даражасидаги ипакли, аралаш ва бошқа матолар асослари қамровидаги эшилган буюмлар техника ва технологияларини ишлаб чиқишга бир қатор Россия олимлари бўлган Кукин Г.Н., Усенко В.А., Роговин З.А., Кричевский Г.Е., Лобанова Л.А., Николаев С.Д., Смирнов В.И., шунингдек Ўзбекистон Республикасининг бир қатор олимлари Рубинов Э.Б., Мухамедов М.М., Ниязалиев М., Бурнашев Р.З., Бурнашев И.З., Алимова Х.А., Абдукаримова М.З., Набиева И.А., Умаров Ш.Р., Худайбердиева Д.Б., Жуманиязов К., Даминов А.Д., Гуламов А.Э. ва бошқалар маълум даражада ҳисса қўшган ва қўшаяптилар.

Бироқ, барча тадқиқотларда эшилган иплар структурасига пилла ипи характеристикасининг таъсири ва бурам даражаси, геометрик хусусиятлари ва ипнинг чизиқли зичлиги бўйича текислиги, деформациянинг ташкил этувчи қисмлари, шунингдек эшилган ипларга қайта ишлов бериш жараёнида турли хил кўп марталик зўриқишларга қарши туриш қобилияти каби кўрсаткичлар етарлича ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-5 «Ипакнинг нанотехнологияси асосида маҳсулотларнинг рақобатбардош янги турларини ишлаб чиқариш усуллари ва технологияларини яратиш» (2015-2017) ва П-3-2017.090730 «Табиий ипак ва унинг нанобўлакларидан фойдаланиб бинт ва тиббиёт маҳсулотларини янги ассортиментларини ишлаб чиқаришни технология ҳамда усулларини яратиш» (2018-2020) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс ипак иплари структурасини ўзига хослиги ва бурамларни унинг хусусиятларига таъсирини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- эшилган комплекс ипларни ишлаб чиқаришга хом ашё тайёрлаш технологияларини ривожлантириш истиқболлари ва замонавий ҳолатига бағишланган илмий тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва таҳлили;
- замонавий пилла дурагайлариининг иплари, хом ипак хусусиятларини тадқиқи ва эшилган иплар учун хом ашё тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш;

- назарий ва амалий тадқиқотлар асосида эшилган комплекс ипларнинг нисбий қайишқоқлик модулини бурамлар сонига боғлиқлигини баҳолаш;
- ипларни ва абрли нақшли матоларнинг айрим ассортимент турларини тадқиқи;
- қайишқоқлик деформация хусусиятлари юқори бўлган эшилган ипак ипларини тайёрлаш усулини ишлаб чиқиш;
- эшилган ипнинг янги ассортиментидан ипак мато намунасини олиш ва унинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида пилла ипи, хом ипак ва эшилган ипак иплари олинган.

Тадқиқот предмети эшилган ипак иплари янги ассортиментини ишлаб чиқариш учун хом ашё тайёрлаш технологияси воситалари, усуллари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иплар механикаси назарияси, ахборот технологиялари элементлари билан жиҳозланган ТТЕСИ қошидаги “Centexuz” лабораториясининг замонавий ускуналаридан фойдаланиб, тажриба таҳлили ва математик статистика усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон-5 дурагайи пиллаларининг умумий вазнининг 98,2% ўрта ва йирик калибрли, Хитой дурагайи пиллалариники эса деярли 99% майда ва ўрта калибрли эканлиги, ундан олинган пилла ипининг чизиқли зичлиги бўйича деярли бир текислиги аниқланди.
- хом ипакнинг буғли ҳавода ишлов бериб зўриқишни ечиш технологияси ва унинг параметрлари ишлаб чиқилди, ипни қайта ишлашда юзага келадиган узилишлар сони эса 25% қисқарди;
- эшиш коэффиценти ва эшиш бурчаги орасидаги боғлиқлик, шунингдек, укруткини (ип қисқаришини) ўзгариши бурамлар сонига боғлиқлиги аниқланди;
- элементар ипларнинг чизиқли зичлиги, комплекс ип таркибидаги ипларнинг сони, шунингдек буралганлик даражаси ва бурам йўналишларининг мослиги муҳим структуравий характеристикалар ва асосий технологик параметрлар ҳисобланиб, уларнинг ўзгариши билан комплекс эшилган ипларнинг ва улардан ишлаб чиқарилган турли ассортимент буюмларнинг хусусиятларини бошқариш мумкинлиги асосланди;
- эшилган комплекс ипак ипининг янги ассортиментини ишлаб чиқариш усули яратилди ва юзасида турли катак рангли жиллоли мато намунаси олинди (ихтиро янгилиги учун №IAP05253; №IAP05415; №IAP05447; №SAP01254 патентлари олинди).

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон-5 ва маҳаллий шароитда Хитой ипак қурти уруғидан етиштирилган пиллалар қобиғининг технологик параметрлари асосланди;

- хом ипакни эшишга тайёрлаш усули ва технологик параметрлари ишлаб чиқилди;
- эшилган комплекс ипак ипининг бурамдан қисқаришини эшиш коэффиценти ва чизиқли зичликга боғлиқлик даражаси ўрнатилди;
- эшилган комплекс ипак ипини олиш усули ва технологик параметрлари ишлаб чиқилди, янги мато намунасини олинди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги, аниқ вазифаларни қўйиш ва уларни ечишнинг замонавий усулларини қўллашни асосланиши, натижаларнинг ҳисобий ва тажриба маълумотларининг, статистик таҳлиллари билан тасдиқланиб ишлаб чиқилган назарий моделларнинг мослиги, шунингдек олинган натижаларни амалиётда қўлланилиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Элементар толаларнинг қаттиқлик тензори элементлари орқали бир ўқли чўзилишда хом ипак ипининг қайишқоқлик модули учун аналитик ифоданинг олиниши тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳисобланади. Бурамга боғлиқ ҳолда хом ипакдан эшилган комплекс ипнинг нисбий қайишқоқлик модулини баҳоланди.

Хом ипакни эшишга тайёрлаш усули ва технологиясининг параметрларини асослаш, шунингдек эшилган комплекс ипак ипининг янги ассортиментини ишлаб чиқариш ва янги мато намунасини олиш, ўтказилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Комплекс ипак иплари структурасини ўзига хослиги ва бурамларни унинг хусусиятларига таъсирини исботлашга қаратилган илмий тадқиқотларнинг натижалари асосида:

хом ипакка бурам бериб эшилган ипак ипини олиш усулига (№ІАР05253 2016 й), вискоза ва ацетат ипларини қўшиб бурам бериш орқали попоп кашта тикув ипларини ишлаб чиқаришга (№ІАР05415 2017 й), хом ипакка бурам бериб қўлда тикиш учун биринчи марта саноат усулида кашта ипларини табиий ипакдан ишлаб чиқиш усулига (№ІАР05447 2017 й), табиий ипакдан яратилган янги саноат намунасига (№SAP01254 2014 й Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенлари олинган. Натижада ғижимланмаслик, креп хусусиятли мумтоз ипак матоларини ассортиментини кенгайтириш, попоп кашта ипларини янги юқори чизиқли зичликка эга бўлган, турларини сунъий кимёвий иплардан ишлаб чиқиш, қўл кашта ипларини машиналарда бурамлар бериб ишлаб чиқариш имкони яратилди;

юқори сифатли хом ипак ишлаб чиқариш ва табиий ипакдан мумтоз тўқималар ассортиментини кенгайтириш учун хом ашё тайёрлаш усуллари ва технологиялари “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан, “BUKHARA BRILLIANT SILK” ҚК; “TURAN SILK” МЧЖ, “XARIR TOLA” МЧЖ, “NURLI TONG SILK” МЧЖ корхоналарида жорий этилган (“Ўзбекипаксаноат” уюшмасининг 2019 йил 1 августдаги 4-2/1604-сонли маълумотномаси). Илмий изланишлар натижаларини амалиётга жорий этиш мамлакатимизда яратилган “Ўзбекистон-5” дурагай зот пиллалардан юқори

сифатли халқаростандартни “3А” синфи талабларига жавоб бераоладиган хом ипак ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланган. Бу кўрсаткичлар Хитойдан валютага сотиб олинган курт уруғларидан маҳаллий шароитда етиштирилган пиллалар хусусиятларига мос келиши, келгусида валюта сарфини тежаш имкониятини яратади. Бу ўз навбатида креп жилоси, мумтоз харидоргир айниқса сидирға рангли ипак матолари ассортиментини кенгайтириш имконини беради.

Стандартнинг “3А” синф талабларига мос равишда 100 кг хом ипак ишлаб чиқарилганда “2А” синфига нисбатан иқтисодий самарадорлик 5-10 млн. сўмгача, крепли ипак матосини 100 кв/м ишлаб чиқариб сотишдан эса фойда 50 млн. сўмлик миқдорда бўлади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий ҳолати ва натижалари 12 та илмий-амалий, шулардан 7 та халқаро ва 5 республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 10 та Ўзбекистон Республикаси ва 2 та мақола чет эл журналларида чоп этилган. Ихтирога 4 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишни апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Комплекс эшилган иплар олиш учун хомашё тайёрлаш технологиясининг замонавий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида ипак курти пиллаларини етиштириш ҳолати ва қобиғининг сифат кўрсаткичларига бағишланган адабиёт манбаларининг таҳлили; эшилган комплекс ипларни ишлаб чиқариш техника ва технологияси, эшилган ип ассортиментлари, шунингдек эшилган кимёвий ипларни олиш технологияси ва қўлланилиши келтирилган.

Тадқиқотлар орқали эшилган комплекс иплар ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида хом ипак, йиғирилган ипак ва бошқа табиий ва кимёвий иплар, жумладан сунъий иплар бўлган вискоза, ацетат, триацетат, синтетик иплар полиамид, полиэфир ва бошқалар қўлланилиши мумкинлиги аниқланди.

Эшилган ипларни тайёрлашда хом ипакни хом ашё сифатида қабул қилинганда, тут ипак қурти пиллаларининг қобиғини юқори технологик кўрсаткичлар эга бўлганларини танлаш лозим. Изланишлар шуни кўрсатдики, кўпгина ҳолларда тадқиқотчилар ипак ишлаб чиқаришни технологик занжир ва иш режимларини келтирганлар. Хулоса қилинадиган бўлса, ипнинг, айниқса, эшилган комплекс ипак ипларининг деформацион хусусиятларига пилла ипи ва хом ипакнинг хусусиятларини таъсири бўйича тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Бу ҳолатлар комплекс ипак иплари структурасини ўзига хослигини ва бурамларни унинг хусусиятларига таъсирини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотларини олиб бориш зарур эканлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «Комплекс эшилган иплар учун хомашё тайёрлаш технологияси» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон-5 маҳаллий дурагайи ва маҳаллий шароитларда етиштирилган Хитой дурагайи уруғининг пиллалари қобиғининг технологик хусусиятлари тадқиқига бағишланган. Пиллаларни яқка чувиш натижалари шуни кўрсатдики (1-расм ва 1-жадвал), Ўзбекистон-5 дурагай пиллалари пилла ипининг узунлигини 1170 м, узлуксиз узунлиги 720 м, Хитой уруғи пиллаларида эса мос равишда 1250 ва 875 м.



1-расм. Пилла иплари чизиқли зичлигининг умумий узунлик бўйича ўзгариши

Чувалувчанлик ва узунликнинг ортиб бориши билан ипнинг чизиқли зичлиги секин-аста камайди ва парабола қонунияти бўйича ўзгарди.

$$D = a + vx + cx^2 \quad (1)$$

бу ерда, D -ўлчанаётган участкаги калавача вазни, мг; a -ҳисоб бошлангандан олдинги участкадаги калавача вазни, мг; v -ипнинг узунлиги бўйича калавачалар вазнининг ўзгариш тезлигини характерлайдиган коэффициент, мг/м; c -ипнинг узунлиги бўйича калавача вазнини ўзгариш тезлиги, мг/м²; x -ҳисоб бошлангандан ҳисобланган ипнинг узунлиги, м.

1-жадвал

Якка пилла чувиш натижалари

№	Кўрсаткичлар	Дурагайлар	
		Ўзбекистон-5	Хитой
1	Пилла ипи чиқиши, %	41,75 ± 2	43,85 ± 2
2	Лос толаси, %	5,9 ± 2	5,45 ± 2
3	Қазнок, %	3,64 ± 0,33	2,9 ± 0,11
4	Ғумбак, %	44,9 ± 0,57	43,2 ± 54
5	Ипакдорлик, %	51,29 ± 0,21	52,2 ± 0,21
6	Қобикнинг чувалувчанлиги, %	82,12 ± 0,56	83,7 ± 0,32
7	Пиланинг солиштира сарфи, кг	2,6 ± 0,5	2,5 ± 0,5
8	Пилла ипининг умумий узунлиги, м	1170	1250
9	Пилла ипининг узлуксиз чувалувчан узунлиги, м	720	875
10	Пилла ипининг чизикли зичлиги, текс	0,262 ± 0,004	0,260 ± 0,005
11	Пилла ипининг чизикли зичлиги бўйича вариация коэффиценти, %	25,4 ± 0,09	18,2 ± 0,003
	Пилла қобиғи	18,7 ± 0,30	14,5 ± 0,25
	Пиллалараро	6,9	3,3
	умумий	23,5	11,9


Математик статистика йўли билан ўрнатилдики, иккала дурагай пиллалари учун а катталиги $a=2,72$ дан $3,37$ мг/м гача; $b=0,0672$ дан $0,1387$ мг/м гача; $c=0,021$ дан $0,085$ мг/м² гача ўзгарди.

2-жадвал

Қобик қаватлари бўйича пилла ипларининг мустаҳкамлик характеристикаларининг боғлиқлиги

Ип чувилиши бошланган масофа, м	Пилла ипи					
	Ўзбекистон-5			Хитой дурагайи		
	Чизикли зичлик, Т, текс	Нисбий узилиш кучи, сН/текс	Узлишигача чўзилиши, ϵ_p , %	Чизикли зичлик, Т, текс	Нисбий узилиш кучи, сН/текс	Узлишигача чўзилиш, ϵ_p , %
100	0,37	27,3	19,4	0,32	27,8	21,0
200	0,38	27,5	18,6	0,35	27,9	20,5
300	0,37	27,9	18,1	0,34	28,1	20,1
400	0,40	28,5	17,5	0,34	29,0	19,0
500	0,37	29,7	17,2	0,30	30,2	18,9
600	0,31	30,1	17,1	0,29	30,6	18,8
700	0,27	30,4	17,0	0,28	30,9	18,6
800	0,21	31,0	16,9	0,27	31,2	18,5
900	0,15	31,2	16,7	0,22	31,5	18,3
1000	0,1	31,4	15,8	0,21	31,7	18,2
1100	0,1	31,5	15,2	0,19	31,9	18,0
1170	0,1	31,7	14,8	-	-	-
1200	-	-	-	0,17	32,0	17,0
1250	-	-	-	0,12	32,3	16,0

Пилла ипининг механик хусусиятларидан, узилиш кучи, узилишгача бўлган деформация (чўзилиш) ва юқори кучланишларда бир марталик қисқа вақтдаги чўзилишлар муҳим аҳамиятга эга. Пилла ипининг мустаҳкамлиги ва деформацияси тадқиқининг натижалари 2-жадвал ва 2-расмда келтирилган.



а-мустаҳкамлик; б-деформация 1-Ўзбекистон-5; 2-Хитой;

2-расм. Пилла ипларининг узилиш кучи ва деформацияси

2-жадвал ва 2-расмдан шуни кўриш мумкинки, пилла қобиғи чувилиб бориши билан ипининг чизиқли зичлиги деярли 2,5-3,5 баробар камаяди, нисбий мустаҳкамлик 15-16% ошади, узилишдаги чўзилиши эса 30 дан 70% га қисқаради. Бу ҳолат, дастгоҳлардаги чувилаётган пиллалар дастасида хом ипакнинг чизиқли зичлигини ростлаб турилишида янги ва чувилиб бўлмаган пиллаларни бўлиши шартлигини таъкидлайди.

3-жадвал


Ўзбекистон-5 ва Хитой дурагайи пиллалари хом ипак ипининг сифат кўрсаткичлари

№	Белгилари O'z DSt 3313:2018	Нав (стандарт талаби)		Хом ипак (тажриба)			
		3А	2А	Ўзбекистон-5		Хитой	
				2,33 текс	3,23 текс	2,33 текс	3,23 текс
1	Чизиқли зичлик бўйича оғиш текс 2,33 3,23	0,15 0,18	0,18 0,21	0,15	0,18	0,15	0,18
2	Қайта ўралиш қобиляти, узилишлар сони кўп эмас	10	10	10	10	10	10
3	Йирик нуқсонлар бўйича тозалиги, % кўп эмас	95	93	95	95	95	96
4	Майда нуқсонлари бўйича тозалиги, % кўп эмас	92	90	92	92	93	93
5	Энг ёмон тозалик, камида %	87	83	87	87	87	88
6	Нисбий узилиш кучи, сН/текс	30 ва ортиқ	30 ва ортиқ	34,3	34,4	35,0	35,4
7	Нисбий узилишгача чўзилиш,%	18 ва ортиқ	18 ва ортиқ	18,1	18,4	18,5	18,6
8	боғланувчанлик, каретка юриши, дона	60 ва ортиқ	60 ва ортиқ	64	64	64	65

Ўзбекистон-5 ва Хитой дурагайлари пиллаларидан ишлаб чиқарилган хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон-5 ва Хитой дурагайи пиллаларидан ишлаб чиқарилган хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари стандартнинг “3А” синф талабларига жавоб беради.

Пиллаларни чувиш жараёнидаги қуришиш, намлигини йўқотиш ва серициннинг коагуляцияси даврида хом ипак иплари ўзаро кўндаланг ўқ бўйлаб ички зўриқишлари сақланиб, деформация ҳолатида в адгезия кучлари орқали S майдонда ўзаро елимланади. Айниқса, бу ҳолат чарх қирралари билан алоқада бўлганда юзага келади (3-расм). Хом ипакни эшишга тайёрлашда қайта ўраш жараёнидаги узилишларни камайтириш учун унинг ёпишган жойларини юмшатиш зарур.




3-расм. Хом ипакнинг чарх қирраларида ўқ бўйлаб юклардан деформацияланиши

Хом ипак калаваларининг ёпишган жойларидаги зўриқишни йўқотиш ва уни қайта ўрашга тайёрлашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Бу жараёнлар: совун, мой ёки ёғлардан иборат бўлган сув қўшилган эмульсияда технологиянинг бир нечта ўтимларидан иборат бўлган ивитиш 4-расм (а) ёки пуркаш 4-расм (б).

Мавжуд технология (а ва б)

Янги (в)



б

а а - ивитиш; б-пуркаш; в-бугли-ҳаво муҳити (янги)

4-расм. Хом ипакни эшишга тайёрлаш технологияси.

Биз вакуум ҳолатини юзага келтириб хом ипакка эркин ҳолатда тўйинган буғ таъсири остида ишлов бериш усулини таклиф этдик. Бунинг учун замонавий SC-750 серияли вакуум-буғлаш дастгоҳидан фойдаландик, рационал ишлов бериш режими 4-жадвал, 4-расм (в) да келтирилган.

4-жадвал

Хом ипак калаваларини SC-750 машинасида ишлов бериш режими

Параметрлар	I-вакуумлаш	I-буғли ишлов бериш	II-вакуумлаш	II-буғли ишлов бериш	III-вакуумлаш
Хом ипак 2,33 текс					
Камерадаги босим, кПа	52,8-56,8	110,0-120,0	49,0-54,0	115,0-118,0	48,0-52,0
Ҳарорат, °С	65-70	70-74	65-70	70-74	65-70
Ишлов бериш давомийлиги, с	210	420	210	420	300
Хом ипак 3,23 текс					
Камерадаги босим, кПа	54,2-58,5	125,0-130,0	50,0-55,6	120,0-125,0	50,0-54,0
Ҳарорат, °С	65-70	74-76	70-75	72-76	70-75
Ишлов бериш давомийлиги, с	240	540	240	540	330

Хом ипакни эшишга тайёрлашнинг технологик схемаси 4-расмда келтирилган.

Янги усул (в) бўйича зўриқиш йўқотилгандан сўнг, умумий ассортиментларда нисбий мутаҳкамлик 6-7% яхшиланди, қайта ўраш жараёнидаги узилишлар деярли 25% қисқартирилди. Ишлов бериш давомийлиги хўллаш усулига нисбатан 6 мартага, пуркаш усулига нисбатан эса 12 мартага, технологик жараёнлар мос равишда 4 ва 2 жараёнга қисқарди.


Диссертациянинг «Комплекс эшилган ипак структурасининг ўзига хослиги» деб номланган учинчи боби назарий, тажриба тадқиқи ва комплекс ипак ва толаларнинг деформацион ҳолатини баҳолашга бағишланган.

Фараз қилайлик, ипакнинг кўндаланг кесими думалоқ ва винт чизиғи бўйлаб жойлашган кўп сонли толалардан иборат. Элементар толалар винт чизиғи бўйлаб жойлашганлиги учун толадаги айрим бир P нуқтада нормал ва бинормалга уринма бўйича йўналтирилган координатларнинг (ξ, η, ζ) ортогонал системаларидан ташқари цилиндрик система координатларини (r, Q, z) киргиши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, z ўқи ип ўқиға паралел йўналтирилган (5-расм).

Танланган иккита система координатлари орасидаги келтирилган косинуслар $S_0(i,j=1,2,3)$ йўналтирувчилари матрицасини ҳисобга олиб, қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$[S_{ij}] = Q \begin{pmatrix} \xi & \eta & \zeta \\ 0 & -1 & 0 \\ \sin \theta & 0 & -\cos \theta \\ z & \cos \theta & 0 \\ & & \sin \theta \end{pmatrix} \quad (2)$$

бу ерда, θ – винт чизиғининг кўтарилиш бурчаги.



5-расм. Ипга бурам беришда ҳосил бўлган винт чизиғи бўйлаб жойлашган тола A элементининг ортогонал (ξ, η, ζ) ва цилиндр (r, Q, z) системалар координаталарининг мувофиқлиги

Ҳар бир элементар ипак толаси аксиал, ўқ бўйлаб йўналтирилганлиги учун, ассиметрик зўриққан ҳолатда қайишқоқлик хусусиятларининг кўндаланг изотропияси бир хиллигига эга. Бу ҳолатда қуйидагича тахмин қиламиз:

$$\sigma = c^* \cdot e \quad (3)$$

бу ерда, σ, c^*, e – мосравишда зўриқиш, қаттиқлик, чўзилиш тензорлари.

Бирок, σ нормал зўриқишларни аниқлашда юкни S юзага тақсимлаш зарур, бу ҳолда қаттиқлик нисбий бўлиб қолади. Қаттиқлик матрицаларининг диагонал элементларини толанинг E_j бўйлама ва E_T кўндаланг қайишқоқлик модулларига тенг деб ҳисобласак, қисқартирилган кўринишда қаттиқлик матрицаси қуйидаги кўринишда ёзилади

$$c^* = \begin{bmatrix} E_j & E_{Tj} & E_{Tj} & 0 & 0 & 0 \\ E_{Tj} & E_T & E_{Tj} & 0 & 0 & 0 \\ E_{Tj} & E_T & E_T & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 2E_{Tj} & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & E_{Tj} & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 0 & 2E_{TT}^* \end{bmatrix} \quad (4)$$

бу ерда, $2E_{TT}^* = E_T - E_{Tj}$; E - қайишқоқлик модули. Ипнинг доимий қаттиқлигини матрицавий ўзгариш ва ўртача статистик усулдан фойдаланиб, элементар толанинг характеристикалари орқали ифодалаш мумкин:

$$C_{ijkl} = \frac{1}{A} \int \rho c_{mnop}^* S_{mi} S_{nj} S_{ok} S_{pl} dA, \quad (i, j, k, l = 1, 2, 3) \quad (5)$$

бу ерда, ρ – бирлик майдондаги пилла иплари (толалар) сони ва тақсимлаш функцияси сифатида кўриш мумкин; A-хом ипакнинг кўндаланг кесим юзаси.

Кўриб чиқилган элементар толалар характеристикаларининг ўртача статистик усулини эшилган комплекс ипак ипининг қайишқоқлик параметрлари учун ҳам қўллаш мумкин.

Комплекс эшилган ипнинг қайишқоқлик модулидаги хом ипак ипининг типик i -нчи қўшилишни қуйидаги формула орқали аниқланади

$$E_c^i = E_f \cos^4 \beta_o \cos^2 \alpha \left[1 - \left(\frac{3}{2} \right) t g^2 \beta_o \left(\frac{1 + 2 l g \cos \alpha}{\sin^2 \alpha} \right) \right] \quad (6)$$


Комплекс эшилган ипнинг самарали қайишқоқлик модули барча қўшилишлар (n -қўшилишлар сони) бўйича барча кирувчиларни йиғиндиси орқали олинади

$$E_c = \sum_{i=1}^n E_c^i \quad (7)$$

(6) тенгламадаги α ва β_o катталиклар қуйидаги формулалар орқали аниқланади

$$t g \alpha = 2 \pi R_y K_y; \quad t g \beta_o = 2 \pi R_{y*} K_c, \quad (8)$$

бу ерда, α - винт чизиғи ва R_y радиусдаги эшилган ип ўқининг бурчаги; β – хом ипакни марказий ўққа нисбатан оғиш бурчаги ва R_{y*} - хом ипак марказий йўналиши билан комплекс эшилган ип ўқи орасидаги масофа; K_y ва K_c – узунлик бирлигига мос келувчи хом ипак ва комплекс ипларга берилган бурамлар сони. Буни таҳлил, 6-расмда кўрсатилган тажриба маълумотлари натижаларига мувофиқ келади ва моделнинг ташкил этувчи қисми ҳисобланади. Комплекс эшилган ипак ипларининг чизиқли зичлиги ва бурамлар сонини ўсиши кўндаланг қайишқоқлик модулини бўйлама модулга нисбати кичиклашиб боради.




6-расм. Комплекс эшилган ипак ипининг ҳисобий ва тажрибавий нисбий қайишқоқлик модули: 1- 18,0 тексли; 2-26,0 тексли.

(E(t)/ E(j)- эшилган комплекс ипларнинг нисбий қайишқоқлик кўндаланг модулини унинг ўқ бўйлаб модулига муносабати

Кесими бўйича элементар ипларнинг чизиқли зичлиги, уларнинг сони, буралганлик даражаси ва бурамлар йўналиши эшилган комплекс ипларнинг муҳим структуравий хусусияти ва асосий технологик кўрсаткичлари бўлиб, уларни бошқариш натижасида янги турдаги иплар ва матолар ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Эшиш коэффициенти ва чизиқли зичлигига боғлиқ ҳолда ипак ипларининг бурамдан қисқаришини ифодаладиган тадқиқотлар натижалари бўйича олинган эгриликлар 7-расмда келтирилган.



7-расм. Ипнинг эшилиш коэффициенти ва чизикли зичлигидан комплекс эшилган ипак ипларининг эшилишдан қисқариш боғлиқлигини характерлайдиган эгри чизиклар (3000бр/м)

Эшилган ипнинг айрим характеристикаларини ҳисобга олиб, биз томондан ипак матоларини янги ассортиментларини ишлаб чиқариш учун хомашё тайёрлаш усули яратилди.

Диссертациянинг “Эшилган комплекс иплар ва матолар ассортиментлари” деб номланган 4-бобида иплар хусусиятлари ва абрли нақшли мато ассортиментларининг айрим турлари, эшилган иплари янги турларини олиш усули ва креп ипак матоларининг янги ассортименти келтирилган.

Миллий абербанд нақшли мавжуд ва янги яратилган ассортимент маҳсулотларининг хусусиятларини ўрганиш бўйича “Буюк ипак йўли. Анъаналарни модернизациялаш - “Ўзбек тўқимачилик мерослари, маданий ва иқтисодий манба сифатида” деб номланган кўшма лойиҳа доирасида Дормунд техника университети (Германия) олимлари ва биз томонимиздан тадқиқотлар ўтказилди.

Миллий абрли матоларнинг айримларини хусусиятлари 5-жадвалда, шарфнинг узилиш характеристикалари 8-расмда келтирилган.

Ассортиментларни кенгайтириш хомашёнинг таркибига боғлиқ бўлиб, турли чизикли зичликдаги хом ипакнинг қўшилишлар сонини ва эшиш йўналишини ҳамда бурамлар сонини ўзгартириш, яъни паст 150-300 бр/м, ўртача 400-900 бр/м ва юқори 1000-3200 бр/м бурам бериш орқали бозор талабларига мос равишда турли хил ипак матоларини ишлаб чиқаришни бошқариш мумкинлиги исботланди.


Биз томондан эшилган ип олишнинг 3 босқичли технология бўйича янги усули ишлаб чиқилди (Патент №IAPN05253).

Миллий абрли матоларнинг айрим турларини хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Хомашё таркиби		Юза зичлиги, г/м ²	Ипларнинг чизикли зичлиги, текс (бр/м)		10 смга тўғри келадиган иплар сони		Бўёқ мустаҳкамлиги и, талаб.этил.баллар/хақ	
	танда	арқоқ		танда	арқоқ	танда бўйича	арқоқ бўйича	Ювиш-га	Терлашга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
ХІХ аср									
Хон-Атлас	Таб.ипак	Таб.ипак	128,0	10S350	34S350	1000	140	Буюртмачи талабларига жавоб берди	
Шойи	Таб.ипак	Таб.ипак	110,5	10S650	20S650	660	140		
Адрас	Таб.ипак	Таб.ипак	120,0	10S800	20S800	680	180		
Беқасам	Таб.ипак	Таб.ипак	146,9	10S300	51S300	372	372		
ХХ аср									
Хон-Атлас	Таб.ипак	Таб.ипак	93,2	8S300	13S300	626	360	4/3	4/3
Шойи	Таб.ипак	Таб.ипак	50,0	9S600	9S600	340	300	4/3	4/3
Адрас	Таб.ипак	Пахта	156,5	9S700	62S700	840	155	4/3	4/3
Беқасам	Таб.ипак	Пахта	175,2	18S300	57S300	500	160	4/3	4/3
ХХІ аср									
Хон-Атлас	Таб.ипак	Таб.ипак	112,0	8S300	24S300	700	360	4/3	4/3
<u>Шойи эксп.</u>	Таб.ипак	Таб.ипак	36,0	9S700	9S700	280	330	5/5	5/5
<u>Адрас эксп.</u>	Таб.ипак	Пахта	146,0	9S800	42S800	540	165	4/4	4/4
Адрас	Таб.ипак	Пахта	137	12S700	52S700	602	150	4/4	4/4
Шойи	Таб.ипак	Таб.ипак	50,7	7S500	9S500	320	360	4/4	4/4
Беқасам	Таб.ипак	Пахта	123,5	8S350	51S350	365	152	4/4	4/4
Шарф	Таб.ипак	Таб.ипак	19,4	4S800	4S800	280	340	4/4	4/4
Шарф	Пахта	Люрекс	67,5	20x2S600	12S600	150	120	4/4	4/4
Шарф	Синтетика	Синтетика	45,2	5S800	8S800	550	340	5/5	5/5

Узилиш характеристикалари маълум даражада яхшиланган ва қайишқоқлик деформациясининг ташкил этувчилари улуши юқори бўлган 18-26 текс чизикли зичликка эга бўлган эшилган ипларни олиш усули 6-жадвал ва 9-10-расмларда келтирилган.

Тандадаги 3,23x3 тексли, арқоққа 3,23x3 тексли хом ипакка 2200 бр/м чап ва ўнг йўналишда бурам бериб крепдешинни янги намунаси олинди. Авваллари крепдешин олиш учун фақат 2,33x4 тексли хом ипак ишлатилган эди.




8-расм. табий ипакдан шарф, танда (1) ва арқоқ (2) ипларининг узилиш характеристикалари

6-жадвал

Ипларнинг технологик характеристикалари

Иплар номи	Чизиқли зичлик, текс	Нисбий узилиш кучи, сН/текс	Узилишгача чўзилиш, %	Деформацияни ташкил этувчилари, %		
				кайишқоқ	эластик	пластик
хом ипак	2,33	36,8	18,5	34	33	33
хом ипак	3,23	37,9	18,7	34,1	32,9	33
эшилган 2,33 x 2S 800 x 2Z 750	9,34	39,8	19,9	46,7	30,5	22,8
3,23 x 2S 800 x 2Z 750	12,96	41,8	21,2	49,2	29,6	21,2
эшилган 9,34 x 2S 700	18 ± 0,9	42,8	22,7	51,9	28,7	19,4
12,96 x 2S 700	26 ± 0,8	45,3	23,2	55,0	28,0	17,0



9-расм. Юкланиш ва дам берилгандаги ипак ипларининг деформацияси




10-расм. Катак жилоли янги ипак тўқимасини намунаси

Янги тўқималарнинг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш 11 ва 12 расмда келтирилган. Натижалардан барча кўрсаткичлар стандарт талабидан юқори эканлиги кўриниб турибди.



11-расм Юза зичлиги 100 г/м² ва катак нусхали бўлган ипак тўқимасини сифат кўрсаткисини комплекс баҳолаш.



12-расм Юза зичлиги 81,0 г/м² бўлган ипак тўқимасини сифат кўрсаткичини комплекс баҳолаш. (крепдешин).

Тавсия этилган ассортиментларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош ипак матоларни кўпайтиришга олиб келади.

ХУЛОСА

1. Якка чувиш натижалари асосида пилла ипининг мустаҳкамлиги ва нисбий чўзилиши мос равишда Ўзбекистон-5 пиллаларида 7,68 сН ва 17,0%, Хитой дурагайдан олинган пиллаларда 7,9 сН ва 18,7% ташкил этди. Пилла ипининг умумий узунлиги мос равишда 1170 ва 1250 м, узлуксиз чувалувчан узунлиги эса 720 ва 875 м тенг бўлди.
2. Иккала зот пиллалардан ишлабчиқарилган 2,33 ва 3,23 тексли хом ипакларнинг сифат кўрсаткичлари тадқиқи О'z DSt 3313:2018 янги стандарти талабларининг «3А» синфига мослигини тасдиқлади.
3. Хом ипак калаваларини вакуум ва буғ билан ишлов бериш орқали эшишга тайёрлаш усулининг технологик параметрлари асосланди. Бу эса мавжуд технологик жараёнларни босқичларининг қисқаришига ва вақтнинг бир неча бор тежалишига имкон беради.
4. Назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида эшилган комплекс ипак ипларининг деформацион ҳолатини баҳолаш орқали комплекс ипларга юқори бурам берилганда, унинг деформацион ҳолатига мос равишда комплекс ипнинг ташкил этувчилари бўлган хом ипак каби пилла ипи (толанинг) ҳам деформация элементлари таъсир этиши маълум бўлди.
5. Хом ипакдан эшилган комплекс ипнинг нисбий қайишқоқлик модулини бурамлар сонига боғлиқ ҳолати баҳоланди, ип қисқаришини кўрсаткичлари асосланди.
6. Янги эшилган ипак ассортиментини олиш усули ишлаб чиқилди ва турли рангдаги катак жиллоли юза кўринишли, юқори даражада ғижимланмаслик хусусиятли мато намунаси олинди (№IAP05253 и №SAP01254 патентлар олинди).
7. Мазкур илмий изланишлар натижасида маҳаллий зот дурагай “Ўзбекистон-5” пилласи қобиғини технологик кўрсаткичлари, Хитой дурагайи уруғидан маҳаллий шароитда етиштирилган пиллаларга мослиги чет эл пилла курти уруғини сотиб олишни аста секин камайтирилиши ва маҳаллий хомашёни қўллаб сифатли мумтоз креп матоларини ассортиментини кенгайтириш имконини беради.
8. 100 кг хом ипакни қайта ишлаш ва янги ипак мато ассортиментини 850 дан 1100 кв.м олинганда, кутилаётган фойда 50-210 млн.сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

БАСТАМКУЛОВА ХАНИФА ДАВРОНОВНА

**ОСОБЕННОСТИ СТРУКТУРЫ ШЕЛКОВЫХ КОМПЛЕКСНЫХ НИТЕЙ
И ВЛИЯНИЕ КРУТКИ НА ИХ СВОЙСТВА**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов
и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.PhD/Т930.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен в веб-странице Научного совета по адресу (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Ахмедов Жахонгир Адхамович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Набиева Ирода Абдусаматовна
доктор технических наук, профессор

Кобулова Нилуфар Жалиловна
Кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон

Защита диссертации состоится «29.07» 2020 г. в 09-00 часов на заседании Научного совета DSc.03.30.12.2019.Т.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (адрес: 100100, г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Шохжахон-5, административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2-этаж, 222-аудитория, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №77). Адрес: г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел. (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «25» 07 2020 года.
(реестр протокола рассылки №77 от «25» 07 2020 года).



 **Б.О. Онорбоев**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

 **А.Э. Гуламов**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

 **Ш.Ш.Хакимов**
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире уделяется особое внимание повышению качества готовой продукции за счет совершенствования существующих и применения новых технологий и способов при переработке текстильного сырья. В более чем тридцати странах мира выращиваются шелковичные коконы и ежегодный объем производимого шелка-сырца составляет более 130 тыс. тон. Из них на долю Китая приходится 70%, на долю Индии-17%. Узбекистан входит в число пяти ведущих государств, производящих шелковичные коконы и шелк-сырец. Натуральный шелк имеет самые высокие показатели по своим прочностным и гигиеническим характеристикам среди природных волокон, поэтому изделия из него пользуются большим спросом на международном рынке, однако его доля в мировом балансе текстильного сырья не превышает 0,2 процента.

Наряду с этим, в период перехода к рыночной экономике и становления независимости Республики Узбекистан, многие текстильные предприятия, не выдержав конкурентоспособности, пришли в упадок. Единственный в стране и самый крупный в бывшем Союзе, Маргиланский шелковый комбинат обанкротился и перестал существовать, поэтому классические креповые ткани до сих пор практически не выпускаются. В целом, шелковая отрасль Республики понесла большие потери.

Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» на 2017-2021 годы предусматривается повышение эффективности национальной экономики, освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках. В целях выполнения данного грандиозного документа приняты ряд постановлений Президента, в частности, по широкомасштабному развитию как шелководства, так и перерабатывающей отрасли натурального шелка.

Создана Ассоциация «Узбекипаксаноат», начата четырёхкратная выкормка шелкопряда, уделяется серьёзное внимание расширению кормовой базы, улучшению селекции и отбору гены шелкопряда, растёт производство и экспорт шелка-сырца, для расширения ассортимента готовой выпускаемой продукции необходимым является разработка научно-обоснованных новых способов и технологий подготовки сырья.

Данное научное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлении Президента Республики Узбекистан от 29 марта 2017 года №ПП-2856 «О мерах по организации деятельности ассоциации «Узбекипаксаноат»», от 4-декабря 2018г №ПП-4047 «О дополнительных мерах по поддержке ускоренного развития шелковой отрасли в Республике», а также другими нормативно-правовыми документами по данной отрасли.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике.

Настоящая диссертационная работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике. II- «Энергетика, энерго и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Широкий круг исследований по теории кручения, по способам развития теоретических и прикладных основ технологии производства текстильной продукции, проведен в работах зарубежных ученых J.Hearl, J.Thwaites, J.Amirbayat, P.Kiekens, G.Savvas, G.Cochy, S.Pan, H.Chen, J.Мо и др.

Определенный вклад в разработку техники и технологии крученых изделий в области структуры, включая и уровень наночастицы и основы шелковых, смесовых и других тканей внесли и вносят ряд ученых России, такие как Кукин Г.Н., Усенко В.А., Роговин З.А., Кричевский Г.Е., Лобанова Л.А., Николаев С.Д., Смирнов В.И., а также ряд ученых Республики Узбекистан, такие как Рубинов Э.Б., Мухамедов М.М., Ниязалиев М., Бурнашев Р.З., Бурнашев И.З., Алимова Х.А., Абдукаримова М.З., Набиева И.А., Умаров Ш.Р., Худайбердиева Д.Б., Жуманиязов К., Даминов А.Д., Гуламов А.Э. и др.

Однако, во всех исследованиях недостаточно изучены влияние характеристики коконных нитей, шелка-сырца и степень крутки на структуру, геометрические свойства и равномерность комплексных нитей по линейной плотности, составные части деформации, а также способность крученых шелковых нитей противостоять многократным напряжениям различного вида в процессе их переработки.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.

Диссертационные исследования выполнены в рамках реализации проектов плана научно-исследовательских работ Ташкентского института текстильной и легкой промышленности на темы А-3-5 «Создание способов и технологий производства новых конкурентоспособных видов изделий на основе шелковой нанотехнологии» (2015-2017) и П-3-2017.090730 «Разработка способов и технологии выработки нового ассортимента изделий медицинского и бинтового назначения с использованием натурального шелка и его наночастиц» (2018-2020)

Целью исследования является обоснование особенностей структуры шелковых комплексных нитей и влияние крутки на их свойства.

Задачи исследования:

анализ и обобщение результатов научных исследований, посвященных современному состоянию и перспективам развития технологии подготовки сырья для производства крученых комплексных нитей;

исследование свойств нитей современных гибридов коконов, шелка-сырца из них и совершенствование технологии подготовки сырья к кручению;

определение на основе теоретико-экспериментальных исследований при осевом растяжении относительного модуля упругости крученой комплексной нити из шелка-сырца в зависимости от крутки;

исследование свойств шелковых нитей и некоторых видов ассортимента тканей с абровыми рисунками;

разработка способа выработки крученых шелковых нитей с высокой упругой составляющей деформации;

получение из нового ассортимента крученых нитей образца шелковой ткани и оценка ее качественных характеристик.

Объектом исследования являются коконная нить, шелк-сырец и крученые нити.

Предметом исследования являются методы и средства технологии подготовки сырья для выработки нового ассортимента крученых шелковых комплексных нитей.

Методика исследований. В ходе исследования использованы методы теории механики нитей, экспериментального анализа и математической статистики с использованием современных приборов лаборатории «Centexuz» ТИТЛП, оснащенных элементами информационной технологии.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

установлено, что 98,2% коконов в общей массе из гибрида Узбекистан-5 составляют коконы среднего и крупного калибра, а почти 99% коконов Китайской грены шелкопряда мелкие и средние, но нити более равномерные по линейной плотности;

